



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
HUZURIDAGI XORIJIY TILLARNI O‘RGANISHNI
OMMALASHTIRISH AGENTLIGI**

**AGENCY FOR PROMOTING FOREIGN LANGUAGE LEARNING UNDER
THE CABINET OF MINISTERS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100138, Toshkent shahri, Kichik halqa yo‘li ko‘chasi, G-9A mavzesi, 21-uy,
tel.: (99871) 230-12-87, www.lpa.gov.uz, el. pochta: info@lpa.gov.uz, agentlik@exat.uz

2022-yil 8- fevral A-01-082-son

**Вазирлик ва идораларга
(маълумот учун)**

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш Агентлиги томонидан халқаро **Linguaskill** тест тизими йўлга қўйилди.

Linguaskill Cambridge Assessment English - Cambridge University ташкилоти оиласига кирувчи инглиз тилини билиш даражасини белгиловчи онлайн тизим ҳисобланади.

Мазкур халқаро тест тизими Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг “Хорижий тилларни билиш даражасини баҳоловчи халқаро тан олинган сертификатларнинг рўйхатини ҳамда хорижий тилларни билиш даражасини белгиловчи миллий ва халқаро тан олинган сертификатлар ўртасидаги мувофиқлик даражасини тасдиқлаш тўғрисида”ги №3318 сонли қўшма қарорида тасдиқлан хорижий тилларни билиш даражасини баҳоловчи халқаро тан олинган сертификатлар рўйхатига киритилган.

Linguaskill халқаро тест тизими кимлар учун?

1. 14 ёшдан катта барча хоҳловчилар учун;
2. Магистратура ва докторантура босқичига ўқишга кирмоқчи бўлган талабалар;
3. Малака ошириш курсларидан озод бўлишни хоҳловчи хорижий тил педагог кадрлар;
4. Ойлик маошига устама олишни хоҳловчилар;
5. Давлат ташкилотларига ишга кирмоқчи бўлган ходимлар;
6. Юқори лавозимга тайинланаётган давлат ташкилоти ходимлари.

Linguaskill халқаро тан олинган сертификати нима учун керак?

1. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, хорижий тилларни ўқитишга ихтисослашган олий таълим муассасалари битирувчилари томонидан давлат аттестация имтиҳонларини топшириш билан бир қаторда ушбу таълим муассасалари ҳисобидан миллий ёки унга тенглаштирилган бошқа етакчи халқаро баҳолаш тизимлари орқали уларнинг билимлари даражасини аниқлаш амалиёти йўлга қўйилади;

2. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларининг магистратура мутахассисликларига ҳамда олий таълимдан кейинги таълим ихтисосликларига танловларда миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга шахслар иштирок этиши тартиби жорий этилади. Бунда, филология йўналишлари бўйича камида C1 даражадаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификат, нофилологик йўналишлари бўйича эса B2 даражадаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификат талаб этилади;

3. 2022 йилдан бошлаб давлат органларига ишга қабул қилиш ва юқори лавозимга тайинлаш учун хорижий тилни билиш талабгорга қўйиладиган мажбурий малакавий кўникма сифатида белгиланади.

Linguaskill халқаро тан олинган сертификатининг имтиёзлари.

1. Таълим муассасаларининг камида C1 даражадаги халқаро тан олинган сертификатга эга хорижий тиллар ўқитувчиларига уларнинг базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик 50 фоиз миқдорида қўшимча устама ҳақи тўланади;

2. Халқаро сертификатга эга давлат бошқарув идораларининг барча бўғинлари ходимларига лавозим маошига нисбатан 20 фоизгача қўшимча устама ташкилотларнинг бюджетдан ташқари ҳамда иш ҳақи фонди доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан тўланади.


Linguaskill халқаро тест тизимининг афзалликлари:

- Тест натижалари 48 соат ичида эълон қилинади;
- Алоҳида кўникма бўйича қайта топшириш имконияти мавжуд;
- Платформада рўйхатдан ўтиш осонлаштирилган;
- Барча 4 кўникма учун тест жараёни бир вақтда амалга оширилади;
- Listening кўникмасида аудиоматериаллар 2 марта эшиттирилади;
- Тест кунидан 1 кун олдин рўйхатдан ўтиш имконияти мавжуд;
- 4 асосий кўникма натижалари батафсил таҳлил қилиниб йўлга қўйган камчиликлари кўрсатиб ўтилади.

Агентлик ва Буюк Британиянинг Cambridge Assessment ташкилоти ўртасида инглиз тилини билиш даражасини баҳоловчи халқаро тан олинган Linguaskill тестини Ўзбекистонда ўтказиш имконини берувчи шартнома ва расмий рухсатномага эга.

Linguaskill халқаро тестини топширмакчи бўлган хоҳловчилар Агентликнинг Хорижий тилларни билиш даражасини баҳоловчи ва хорижий тилларни билиш тўғрисидаги сертификатлар ягона базасини юритиш бўлимига 71 230-22-80 рақами орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Директор ўринбосари



А.Хусанов